



АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган, халқимизнинг гурури-ифтихори бўлиш азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Қадимдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келадиган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва маънавияти муносиб равишда нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида:

1. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2007 йил 2 ноябрдаги 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш ва юбилей тадбирларида ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ижодий уюшмалар ва кенг жамоатчилигининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини 2009 йилнинг май ойида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва юбилей тадбирларини ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби 1-иловага, комплекс чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Тошкент шаҳридаги тарихий обидалар, ёдгорлик ва қадимжоларни таъмирлаш, ободонлаштириш, янги замонавий объектлар қуриш, шаҳарнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга доир тадбирлар режасини 3-иловага мувофиқ амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси иштирокида Тошкент шаҳрида 2009 йилнинг март ойида "Тошкентнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида туганган ўрни" мавзусида халқаро илмий конференцияни ташкил этиш, мамлакатимиз ва чет элдаги таниқли олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, уни ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш, конференция материалларини чоп этиш ва анжумани кенг ёритиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

6. Ташкилий қўмита (Ш.Мирзиёев)га қуйидаги вазифалар топширилсин:

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш ва юбилей тадбирларини амалга оширишда ҳар бир ишнинг бунёдкорлиги, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш;

мавжуд тарихий обидалар ва ёдгорликларни юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда ўрганиш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича амалий чоралар кўриш;

тарихий-маданий аҳамиятга эга иншоотларни таъмирлаш ишларини уларнинг асл қиёфасига мос тарзда белгиланган мейморий талаблар асосида амалга ошириш;

Тошкент шаҳрининг тарихи, бий маданий мероси ва унинг бугунги ҳаётини Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда тарғиб этиш бўйича тадбирларни ташкил этиш;

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган байрам тантаналарини юксак савияда ўтказиш.

7. "Ўзбектуризм" миллий компанияси, бир ой муддатда, халқаро туристик ташкилотлар билан биргаликда, Тошкент шаҳрининг тарихий-меъморий обидаларини, зиёратгоҳ ва табиий жиҳатдан эътиборга молик масканларини кенг тарғиб

этиш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

8. Юбилей муносабати билан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектларни белгиланган муддатда бажариш ва фойдаланишга топшириш учун уларнинг лойиҳалаш ва қурилиш ишларини истисно тариқасида бир вақтда амалга оширишга рухсат берилсин.

9. Юбилей муносабати билан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган бино ва иншоотлар учун хориждан келтириладиган қурилиш материаллари ҳамда асбоб-ускуналар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат асосида божхона тўловларидан (божхона расмийлаштириш тўловларидан ташқари) озод қилинсин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлигига:

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга доир тадбирларни амалга оширишда ҳар бир ишнинг бунёдкорлиги, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш;

мавжуд тарихий обидалар ва ёдгорликларни юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда ўрганиш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича амалий чоралар кўриш;

тарихий-маданий аҳамиятга эга иншоотларни таъмирлаш ишларини уларнинг асл қиёфасига мос тарзда белгиланган мейморий талаблар асосида амалга ошириш;

Тошкент шаҳрининг тарихи, бий маданий мероси ва унинг бугунги ҳаётини Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда тарғиб этиш бўйича тадбирларни ташкил этиш;

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган байрам тантаналарини юксак савияда ўтказиш.


7. "Ўзбектуризм" миллий компанияси, бир ой муддатда, халқаро туристик ташкилотлар билан биргаликда, Тошкент шаҳрининг тарихий-меъморий обидаларини, зиёратгоҳ ва табиий жиҳатдан эътиборга молик масканларини кенг тарғиб

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. Каримов

Тошкент шаҳри, 2008 йил 2 апрель

ЁШЛИК — УМР БАҲОРИ



Ёшлар — мамлакат келажаги, юрт истиқболини белгиловчи катта куч. Улар ҳақида ҳар қанча гапирсак, ёзсак ҳам. Жорий 2008 йил — Ёшлар йилида тенгқурларига ўрнак бўлиб келадиган ҳар томонлама кучли, иқтидорли ёшларга бағишланган «Ёшлик — умр баҳори» деб номланган саҳифани тайёрлаб, Сиз газетхонлар эътиборига ҳавола этдик.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOVNING NATO/СЕАП САММИТИДАГИ НУТҚИ

(2008 ЙИЛ 3 АПРЕЛЬ)

Мухтарам Раис жаноблари! Хурматли давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар! Ижозатингиз билан Ўзбекистоннинг НАТО билан "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасидаги ҳамкорлик истиқболлари, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида ўз қарашларимизга доир масалалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

НАТОнинг тобора сиёсий тузилма шаклини олаётгани бугунги кунда ҳақиқатга айланмоқда ва бу ўз нав-

батида, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши — СЕАПни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг яхши омилдир.

Ушбу жараёнда мамлакатимизнинг истиқболда НАТО билан амалий ҳамкорлик дастури хавфсизликни таъминлаш ва мудофаа қурилиши, экология ва гуманитар соҳадаги тадбирлар билан бир қаторда демократик қарши курашишга қўмақлашмоқда.

Мамлакатимиз вакиллари кейинги етти йил давомида "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурининг 400 дан

Ядро ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, халқаро терроризмга, наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш масалалари, шубҳасиз, ҳамкорликнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши даркор.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон НАТО билан Нохарбий юкларни ўз ҳудуди Термиз-Хайратон чегара узели орқали етказиб бериш коридори ва транзитини таъминлаш тўғрисидаги битимни му-

ҳоқама қилиш ва имзолашга тайёр эканини айтмоқчиман. Бу Афғонистон билан боғловчи ягона темир йўлидир.

Бунда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва қонунийлигини таъминлаш бўйича суверен манфаатларига риоя қилиниши лозим.

Бўлажак битимга жорий йилнинг 4 мартида Ўзбекистон билан Германия ўртасида имзоланган Бундесвер юкларини мамлакатимиз ҳудудидан темир йўл орқали ташиш бўйича темир йўли асос қилиб олиш мумкин.

Бунда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва қонунийлигини таъминлаш бўйича суверен манфаатларига риоя қилиниши лозим.

Бўлажак битимга жорий йилнинг 4 мартида Ўзбекистон билан Германия ўртасида имзоланган Бундесвер юкларини мамлакатимиз ҳудудидан темир йўл орқали ташиш бўйича темир йўли асос қилиб олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 апрелдаги қарори билан мамлакатимизнинг НАТО/СЕАП саммитида иштирок этиши таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 апрелдаги қарори билан мамлакатимизнинг НАТО/СЕАП саммитида иштирок этиши таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 апрелдаги қарори билан мамлакатимизнинг НАТО/СЕАП саммитида иштирок этиши таъминланган.

ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 апрель куни Бухарестда НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этди

Бу ерда Евроатлантика ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш йўлида кўп томонлама ҳамкорлик, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон 1994 йилдан бундан НАТО билан "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борада йўлга қўйилган алоқалар халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этмоқда, шунингдек, халқаро тер-

роризм, диний экстремизм, наркотрафик, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби хавфсизликка янги таҳдид ва хатарларга, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши курашишга қўмақлашмоқда.

Мамлакатимиз вакиллари кейинги етти йил давомида "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурининг 400 дан

ортик тадбирида иштирок этди.

Ўзбекистон илм-фан вакиллари илмий ҳамкорлик доирасида НАТОнинг "Илм-фан орқали хавфсизлик сари" дастурида иштирок этмоқда. Утган давр мобайнида мамлакатимизда юздан зиёд илмий-техник лойиҳа амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 апрелдаги қарори билан мамлакатимизнинг НАТО/СЕАП саммитида иштирок этиши таъминланган.

Парламент ҳаёти

ИШЧАНЛИК ВА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ

қонун ижодкорлигининг асосидир

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталари ролини янада кучайтиришнинг долзарб масалалари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова бошқарган давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Давлат ва жамият қурилиш академияси, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг, Стратегия ва минтақалар тарқатқотлар ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтларининг экспертлари иштирок

этишти.

(Давоми 2-бетда)

Пойтахтимиздаги «Файз» холдинг компаниясида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Парламентнинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталашнинг ҳуқуқий жиҳатлари» мавзусига бағишланди.



Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сугурта компаниялари вакиллари ва бошқа тегишли идора ходимлари билан бир қаторда корхона ишчи-хизматчилари ҳам иштирок этишти.

Тадбирда ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига бевосита дахлдор бўлган сугурта ҳуқуқининг мустаҳкамлаши амалга оширилган ислохотларнинг муҳим бўлиши деярли эътироф этилди.

Айни пайтда сугуртанинг иктиёрий ва мажбурий турлари ўзаро нисбатларини мақбуллаштириш фаолиятининг ҳал қилувчи омил бўлиб қолмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Зухра Ботирова. — Мажбурий сугуртанинг ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини бозор иқтисодиётини бошидан кечирган ва кечираётган хорижий давлатлар тажрибасида ҳам намоён бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Сайёр йиғилиш

БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТ ФУҚАРОЛАР ҲИМОЯСИ УЧУН

Диққат!

АКЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хабарингиз бор, Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси Сиёсий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти ҳамкорлигида Ёшлар йили муносабати билан жорий йилнинг 21 мартдан 21 апрелгача қадар давом этадиган қўшма акция эълон қилинган эди.

Бундан қўзланган асосий мақсад ўтаётган 2008 йил — Ёшлар йилида мамлакатимиз ёшларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, чекка қишлоқларда яшаётган иқтидорли ёшларни излаб топиш, маънавий тафаккурини бойитиш, шунингдек, ногирон, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларга амалий қўмақ беришдан иборат.

Газета саҳифаланаётган паллада партиянинг Сурхондарё вилояти Қизилор тумани Кенгаши биринчи котиби Абдуғаффор Шодмонов номидан хат олдик. Унда тумандаги бошланғич партия ташкилотлари акцияни уюшқоқлик билан ташкил этаётгани, чекка қишлоқларда яшаётган ёшларни ҳомий ташкилотлар орқали қўллаб-қувватлаб, турли учрашув ва тадбирлар ўтказаяётгани, қолаверса, акция шартларига қўра, бугунги кунга қадар туманда "Адолат"га 31 донна йиллик обуна уюштирилгани айтилган. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Зеро, келажакимиз эгалари бўлиши ёшлар тақдирини бефарқ бўлмаслик, уларнинг ҳар томонлама кучли, билимли ва зукко бўлиб воғна етишига ҳисса қўшиш ҳар бир партиядошимизнинг муқаддас бурчи ва вазифасидир.

ТАХРИРИЯТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАТО/СЕАП САММИТИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Биз Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бутун Марказий Осиё минтақасини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳаётий муҳим муаммоларни ечиш учун катта имкониятлар очиб берадиган хавфсизликнинг ҳал қилувчи омил эканини яхши англаймиз.

Бундан бошқа йўл йўқ. Негаки, ушбу мамлакатда зиддиятларнинг кучайиб бориши, кескинлик ва терроризм қўламининг кенгайиши глобал хавфсизлик ва халқаро барқарорлик учун жиддий таҳдид соҳибдара.

Биз куйидаги вазифаларнинг амалга оширилиши Афғонистондаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан — гоят муҳим ҳаётий ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни, аҳоли бандлиги, ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш муаммоларини ҳал этишни таъминлаш ниҳоятда устувор аҳамиятга эга.

Бунда биз энг асосий вазифа —

аҳолининг халқаро коалиция кучларига бўлган ишончини қозониш йўлини кўрамиз.

Айни пайтда буларнинг барчаси жангариларни молиялашнинг асосий манбаи бўлмиш наркотиклар ишлаб чиқариш ва етказиб беришга қарши курашиш муаммосини ҳал этишда кучли омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иккинчидан — кўпмиллатли Афғонистон халқининг аънанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кам сонли миллатлар манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

Нафақат Афғонистон, балки бутун мусулмон оламида тоқат қилиб бўлмайдиган вазият ва кескинликка сабаб бўлаётган ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз ҳужум ва бўҳтонларга йўл қўймаслик даркор.

Учинчидан — давлат ва жамият курилиши, фуқаролик институтларини шакллантириш борасида ислохотларнинг бошқича-бошқич ва изчил амалга оширилишини таъминлаш жуда муҳимдир. Бунда, би-

ринчи навбатда, Афғонистонда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий фаровонликка эришиш ислохотлар муваффақиятининг муҳим кафолати эканини эътиборга олиш зарур.

Тўртинчидан — қўшни Покистон раҳбарияти ва ҳукумати билан биргаликда чегара муаммоларини, аввало Вазиристон ҳудудиди, ҳал этиш Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Бешинчидан — 1997-2001 йилларда БМТ кўмагида самарали фаолият кўрсатган, Афғонистон билан қўшни давлатлар, Америка Қўшма Штатлари ва Россиянинг ваколатли вакилларидан ташкил топган «6+2» мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича музокаралар жараёнини қайта тиклаш мақсада мубофиқ, деб ҳисоблайман.

Ушбу мулоқот гуруҳи томонидан БМТ шафелигида Афғонистон муаммосини ҳал этиш юзасидан гуруҳга аъзо давлатларнинг умумий принциплари ва ягона ёндашувлари ишлаб чиқилди, 1999 йил

июлда Тошкентда қарама-қарши томонларнинг учрашуви ташкил этилди ва ўтказилди, «Афғонистондаги зиддиятни бартараф этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги Тошкент декларацияси қабул қилинди. БМТ Хавфсизлик кенгаши Тошкент учрашуви якунларини афғон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этиш йўлидаги муҳим қадам сифатида эътироф этди ва ушбу декларация асосида тегишли қарор қабул қилди.

2001 йилгача фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, «6+2»ни «6+3» гуруҳига айлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Барча манфаатдор томонлар иштирокида Афғонистон бўйича кенг қамровли режими ишлаб чиқишда ушбу тақлифларни эътиборга олиш Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ўйлайман.

зоқара жараёнини қайта тиклашга даъват этди. Ушбу мулоқот гуруҳи Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш бўйича ягона халқаро амалий механизм эди. Унинг доирасида кўп томонлама дипломатиянинг ноёб тажрибаси тўпланган, мазкур муаммо юзасидан умумий принцип ва ягона ёндашувлар ишлаб чиқилган эди. Аммо 2001 йилда халқаро коалиция томонидан террорчиликка қарши операция бошлангани муносабати билан мазкур гуруҳнинг фаолияти сусайди.

Ислом Каримов ҳозирги воқеликни ва музокаралар

жараёнида НАТО ваколатхонаси албатта иштирок этиши ҳисобга олган ҳолда, «6+2» гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантиришни тақлиф этди.

Шуни яна бир бор таъкидлаш жоизки, хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Хавфсизлик ҳамкорлик орқали таъминланади, ҳамкорлик эса хавфсизлик таъминлангандагина ривожланади. Бу жиҳатдан Бухарист саммити қатнашчиларининг фикрлари ҳамохандир.

Анвар БОБОВЕВ,
ЎзА махсус мухбири.

ИШГА ЯНГИЧА МУНОСАБАТ

партия сиёсий фаолигини ошириб, имкониятларни янада кенгайтиришга хизмат қилади

Жиззах вилоятида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан "Худудий партия Кенгашлари фаолиятини кучайтириш ва ишга ёндашуви янгилаш вазифалари" мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда партия аъзолари ва бошланғич ташкилотларнинг иш самардорлигини яхшилаш, аъзолик бадалларини ўз вақтида йиғиш, "Ешлар йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш масалалари муҳокама этилди.

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун қўйиш сиёсий партияларга имкониятлар очиб берди. Хусусан, партияларнинг давлат ва жамият курилишидаги роли ва аҳамиятини тубдан кучайтириб, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаолигини ошириш, жойларда давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирок

этиш ҳуқуқини берди. — Афсуски, айримлар ҳали-ҳануз ушбу қонуннинг аҳамиятини етарлича түшүнб етмапти, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Худойёр Мамамов. — Шунинг учун партия Кенгашларида иқтидорли кадрларни тарбиялаш ва шакллантириш, аъзолар сафини ҳар жиҳатдан ўстириш лозим. Ана шунда партия электоратида маънавий етук, сиёсий билимдон партиядошларимиз сафи янада кўпаяди.

Суюн Силлиев, "Адолат" СДП Жиззах вилояти Кенгаши 2-қотиби:

— Партияларнинг ваколатлари кенгайиб бориши партия аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди. Ҳозир партияимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш учун бошланғич ташкилотларни тузиш, партия фаолиятини янада яхшилаш, ютуқ ва камчиликларимизни ҳолисона таҳлил этишимизни тақозо этмоқда. Шундай экан, биз жамият олдидаги масъулиятимизни ҳис этган ҳолда аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий адолатнинг мустаҳкам, кенг қамровли тизимини яратишни фаолиятимизнинг устувор йўналишлари, деб биламиз.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
"Адолат" мухбири.

Худди шундай тadbир партиянинг Бухоро вилояти Кенгашида ҳам ўтказилди. Унда бошланғич ташкилотлар фаолиятларини кучайтириш, хотин-қизлар ташаббускорлигини янада ошириш, партия сафига ҳар томонлама билимли, иқтидорли ёшларни жалб этиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Tadbир давомида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Собир Турсунов жойларда партия аъзолари ва бошланғич ташкилотларнинг иш самардорлигини яхшилаш, аъзолик бадалларини ўз вақтида йиғиш, турли тadbир ва семинарларни давр руҳига мос, ишчанлик руҳида ўтказиш борасида қатор тақлифларни билдирди.

Таъкидланганидек, юртимизда кўппартиявийлик тизими тобора ривожланиб, мам-

лакат сиёсий майдонида фикрлар хилма-хиллиги шаклланимоқда. 2008 йил 1 январдан қучга кирган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун юртимизда фаолият олиб бораётган барча сиёсий партиялар қатори "Адолат" социал-демократик партиясига кенг ҳуқуқий имкониятларни яратиб берадиган масъулиятни ҳам янада оширди.

Tadbир қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Худудий ташкилотлар олдида турган вазифалар, муаммолар муҳокама этилиб, келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Дилмурод ЖАББОРОВ,
"Адолат" мухбири.

КЕНГАШ ТАШАББУСИ

Фуқароларни партия сафларига кенг жалб этиш, уларнинг сиёсий маданиятини, билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда бу йўналишда самарали фаолиятни йўлга қўйиш муҳим вазифага айланди. Бу борада "Адолат" СДПнинг вилоят ва туман Кенгашларида кўплаб ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, Богот тумани Кенгаши ташаббуси билан "Пахтакор" маҳалласида ташкил қилинган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Унда партиянинг Дастур ва вазифалари юзасидан маърузалар тингланди. Юксак сиёсий маданиятга эга фуқаролик жамиятини барпо этишда фаол партия аъзоларининг ўрни катталиги эътироф этилди.

ИШЧАНЛИК ВА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Ушбу давра суҳбати парламент қўйи палатасининг мазкур муҳим таркибий қисми фаолиятини ҳар томонлама таҳлил этиш ва уни янада такомиллаштириш, кўмиталар ролини кучайтириш йўллари ишлаб чиқишга бағишланди.

Шунингдек, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш

тўғрисида"ги Конституциявий қонун парламент кўмиталари ва сиёсий партиялар фракцияларига алоҳида талаблар қўйишни кайд этилди. — Кўмиталарнинг ижро ҳокимиятлари билан ҳамкорликда иш юритиши қонун ижросини таъминлашга хизмат қилади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Абдулла Абдуназаров. — Бунда кўмиталар депутатларнинг хорих тажрибасини тизимли равишда

ўрганишлари яхши самара беради. Бунинг учун Қонунчилик палатасининг девонни қошида чет эл тажрибасини ўрганиш марказини тузиш мақсада мубофиқдир. Tadbирда кўмиталарнинг назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ҳар бир кўмига аъзосининг фаолигини ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Қун тартибидидаги масалалар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди. Фарҳод ЭРКИНОВ,
"Адолат" мухбири.

БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТ ФУҚАРОЛАР ҲИМОЯСИ УЧУН

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Таъкидландики, амалдаги қонунчилик тизими — мамлакатда ривожланиб бораётган сугурта бозорини тартибга солишни таъминлаш мақсадида доимий равишда такомиллаштириб бормоқда. Одатда мажбурий сугурта фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини, шунингдек, қорхона, ташкилот ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жорий этилади. Давлат етказилган зарарни қоплаш масаласи умумда давлат даражасида қўрилган ҳолларда мажбурий сугуртани жорий қилади, яъни мажбурий сугурта тури жамият манфаатлари нуктаи-назаридан устувор бўлган сугурта объектларини қамраб олади.

— Иш бевуручининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг асосий гоиси республикамизда фуқароларига ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ундириш ҳуқуқини кафолатлайдиган қонунчилик базасини такомиллаштиришдан иборат.

— Лойиҳа бугунги куннинг аниқ талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилгани кўриниб турибди, — дейди «Иш» ҳолдинг компанияси раҳбари Муҳаррама Азимова. — Мазкур долзарб меъёрий ҳужжатнинг асосий мақсади — ҳодимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши жараёнида унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ундириш бўйича қонуний, ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, зарарни қоплаш билан боғлиқ иш бевуручининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилади.

Tadbирда ушбу қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти мутасаддилар томонидан атрафлича ёритиб берилди. Иштирокчилар уларни қизиқтирган саволлар билан муножаат этишлари тadbирининг баҳс-мунозарали ўтишини таъминлади.

Фарида ПАРМОНОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши биринчи қотиби.

ҚУТЛУҒ ЗАМИНДАГИ УЧРАШУВ

«Адолат» СДП фаоллари Самарқанд шаҳрида тажриба алмашдилар

Партиянинг аҳоли орасидаги обрў-эътибори ошириш ва бу нималарда кўринди? Бизнингча, бу партия вилоят, шаҳар Кенгашларининг ўзаро фаолияти билан яқиндан танишиши ва тажриба алмашишларга боғлиқ. Яқинда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Марказий аппарати ва Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан партиянинг Самарқанд вилояти Кенгашига уюштирилган сафарда шундай хулосага келинди.



Эрта тонг. Автобус азим пойтахтдан қанчалик ва ҳамма ҳамқирон Самарқанд шаҳрига йўл олиш таррадуида. Автобусда партияимизнинг Марказий аппарати, Тошкент шаҳар Кенгаши аъзолари, "Еш адолатчилар", Хотин-қизлар кенгашлари вакиллари, хуллас, эллика яқин фаоллар бор. Орамизда Самарқанд шаҳрига кўп ташриф буюрганлар ҳам йўқ эмас. Улар ҳали пойтахтни тарк этмасимизданқў ўзларининг Самарқанд ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлаша бошладилар. Партиянинг Тошкент шаҳри ҳамма тумани Кенгаши фаоли Гавхар Холмировае турли ривоят, хикоятлар айтиб, қадим шаҳримизда бўлган қизиқлини янада оширдилар. Пойтахтдан Самарқандгача бўлган масофани дўстлар, яқинлар, ҳамкасблар билан бирга босиб ўтиш ҳеч қандай мушкуллик туғдирмади. Бунга сафар давомида ишонч ҳосил қилдик. Автобуснинг орқа ўриндиқларида жой эгаллаган ёшлар кўйи-қўйиқлар хиргойи қилиб, шеър ёзиб, баъзилари қандайдир мавзуда ҳаяжонли сўхбатлашди. Тошкент ва Сирдарёдан ўтиб, Жиззах вилоятига кириб борганимизда, ёмғир томчили бўшлади. "Самарқандда об-ҳаво қандай экан?", деган ўй кўпчилиқнинг хаёлидан ўтган бўлиши табиий.

— Тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб, нафас олинглар, — деди партия фаоли, Тошкент шаҳар Кенгаши иккинчи қотиби Шухрат Алибоев. — Бу ернинг табиати ўзгача. Қаранг, қандай гўзал манзаралар.

Ер юзининг сайқали номини олган Самарқанд шаҳрига кириб борганимизда ҳаво мусаффо, ёғингарчилик йўқ эди. Дилларда ўзгача ҳаяжон. Дастуриимизда белгиланганидек, дастлаб Челақ туманига йўл олдик. Бу ерда ҳадис илмининг сулдони Имом ал-Бухорий ҳазратлари мажмуасини зиёрат қилиш нияти-миз бор эди. Буюк зотнинг зиёратига нафақат юртимизнинг бошқа вилоятларидан, балки қўшни давлатлардан, араб мамлакатлари, Малайзиядан ҳам зиёратчилар ташриф буюришганди.

— Имом ал-Бухорий ҳазратларининг муътабар ҳокими зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлган мўмин-мусулмонлар, том маънода бахтиёрдирлар, — дейди бизни мажмуа билан яқиндан таништирган ҳодим. — Ул ҳазрат асли бухоролик, тақдирини қарангки, туғилганларида икки кўзлари ҳам ожиз бўлган экан. Шунда ҳазратнинг оналари Аллоҳга илтижо қилиб, фарзандининг кўзини нур ато этишини сўраган. Яратганининг мўъжизаси билан ҳазрат икки ёшга тўлганларида унинг нафақат кўзларига, балки онг-у, тафаккурларига ҳам илм нури ато этилган.

Дарҳақиқат, Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқининг, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир. Табаррук зотининг бизга қолдириб кетган маънавий мероси — энг ишончли ҳадислар тўплами «Ал-Жомеъ ас-Саҳих» ислом динида Қуръонни қаримдан кейин ёъзозланадиган иккинчи мўътабар манба саналади.

Имом ал-Бухорий ҳазратлари мақбараларини зиёрат қилганимиздан сўнг, Самарқанд шаҳрига қайтдик. Шаҳарда бизни партияимизнинг Самарқанд вилояти Кенгаши биринчи қотиби Жуманиёз Алибоев, иккинчи қотиби Хайдар Исмолов, партия фаоли Шаммаат Қурбоновлар кутиб олишди. Улар билан сафаримиз да-стурини яна бир қарра кўздан кечирдик.

Дастурга кўра, Самарқанд шаҳридаги Мақсуд Шайхзода номидаги маҳалла фуқаролари билан учрашиб, уларнинг турмуш тарзи, иш фаолияти билан танишиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

Тушликдан сўнг "Адолат" СДП Самарқанд вилояти Кенгаши биносига ташриф буюрдик.

Самарқанд вилояти Кенгаши бугунги кунда партияимизнинг вилоят Кенгашлари ичида самарали фаолияти билан ибрат кўрсатиб келаётган Кенгаш фаолияти билан яқиндан танишган, бунга яна бир қарра амин бўлдик.

— Айни дамда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жадаллаштириш вилоят Кенгаши олдидаги муҳим вазифалардандир, — дейди партия фаоли Эшмамет Қурбонов. — Бундан ташқари "Еш адолатчилар", Хотин-қизлар Кенгашларининг фаолияти самарадорлигини ошираёلمиз. Ҳозир партияимиз нашри "Адолат" газетасига обунани ташкил этиш бўйича янги тadbирларга киришганимиз. Шубҳасиз, бу тadbир ҳам ўзининг яхши натижасини беради.

"Адолат" СДП Самарқанд вилояти Кенгашидаги йиғилиш қизғин, ошқора мулоқот руҳида ўтди, фойдала фой алмашувларга, тақлифларга бой бўлди.


Шу кунги Гўри Амир мажмуасида буюк соҳибқирон Амир Темур, уларнинг қирлари Саид Барака, Мирзо Улуғбек боболаримизнинг мақбараларини зиёрат қилдик. Регистон майдонидаги Шердор, Тиллакори ва Улуғбек мадрасалари ҳамда Шоҳи Зинда мажмуасини кўриб олам-олам таассуротга эга бўлдик. Хуллас, бундай тadbирлар биз учун нафақат сайр, зиёрат, маънавий озуқа, балки партияимиз фаоллари учун тажриба алмашининг ўзига хос самарали воситаси эканига амин бўлдик.

Фарида ПАРМОНОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Тошкент шаҳар Кенгаши биринчи қотиби.

Юртимизда яшайтган ҳар бир бо-
ланнинг ўзига хос қобилияти ва
истеъдодини ўз вақтида пайқай,
тарбиялаш ва рўёбга чиқариш — бу
ўта муҳим вазифани нафақат ота-
оналарнинг эзу мақсади, балки
жамиятимизнинг бурчи сифатида
ўртага қўйиш керак.

«ЎЗ ҚАЛАМИМ ВА СЎЗИМГА ЭТА БЎЛДМ»

Боғбон боғига бир ниҳол ўтказса, ундан ўзи хоҳлагандек
хосил олиши учун вақтида қилинган парвариш жуда муҳим
ҳисобланади. Ёшлар ҳам ниҳолга ўқшайди. Уларни ҳар томон-
лама қўллаб-қувватлаш, иқтидорини кўрсатишга имкон бериш
— юрт келажигини обод этиш учун ташланган илдам қадам,
деб ўйлайман. Бугун мамлакатимизда бу борада кўпгина иш-
лар амалга оширилмоқда. Зулфия номидаги Давлат мукофоти
юзлаб ёш қизларнинг иқтидорини намойён этишга имкон ярат-
гани ҳеч кимга сир эмас.



Мен ҳам 2004
йил шу мукофот со-
вриндори бўлдим.
Бу менга берилган
катта рағбат ва им-
кониятлар манбаи
бўлди. ЎзДЖТУ Ха-
лқаро журналисти-
ка факультетига им-
тиёзли равишда
ўқишга қабул
қилишди. Бу ерда
олган билимим на-
тижасида матбуотда
ўз қаламим ва
сўзимга эга бўлдим.
2003 йили "Туйғу-
лар" тўпламим чиқ-
қан бўлса, ҳозир
"Рўмолларинг ту-
шиб қолсин" номли
хикоялар тўплами
нашрга тайёрлан-
моқда. Қолаверса,
өлкамга юклатилган
юксак маъсулият

янада кўпроқ ва самаралироқ ижод қилишга ундамоқда.
2007 йил Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми ва
Меҳр нури жамғармалари тасвир этган "Иқтидорли талаба-
лар учун стипендиялар дастури" ғолибига айландим.


Фикримча, эришган ютуқларим ҳозирги ёшларимизнинг
ҳар бири эгаллаши мумкин бўлган имконлардир. Хусусан,
зорий йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилинганлиги
бизга янада кенг имкониятлар ашигини очди. Умумли фой-
даланиш эса Ватан оқлидаги бурчимиздир.

Бугун қилинаётган ишлар, амалга оширилаётган қулай-
лиқлар эртага меннинг ҳаётимда ўзининг ижобий натижасини
беришига ишонаман.

Шаҳноза ШОЖАЛИЛОВА,
"Зулфия" номидаги Давлат
мукофоти совриндори.

Маълумот ўрнида: Зулфия номидаги Давлат муко-
фоти 1999 йил 10 июнда тасвир этилган. Бугунга қадар
бу мукофот соҳибдорларининг сони 126 нафарга етди.
Мукофот адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият
йўналишларида ҳар йили 12 та вилоят, Қорақалпоғистон
Республикаси ва Тошкент шаҳрининг 14 ёшдан 22 ёшга-
ча бўлган иқтидорли қизларига берилади.

ЁШЛИК



УМР БАҲОРИ

МАҚСАД САРИ ИНТИЛИШ

У ўқиш билан биргаликда
"Ёшлар" радио каналида му-
ҳаррир бўлиб ишлайди.
Қаҳрамонимиз "Муҳаббат
дардлари", "Аверс-реверс"
ва "Аскар хангомалари" каби
дастурлари орқали кўпчи-
ликка таниш бўлган. У Меҳр
нури ва Ўзбекистон мадани-
яти ва санъати форуми жам-
ғармалари томонидан 2007-
2008 ўқув йили учун мўлжал-
ланган "Иқтидорли талаба-
лар учун стипендиялар дасту-
ри" ғолибидир.

— **Муслим, сиз учун ҳам
ўқиш, ҳам ишлаш қийин-
чилик туғдирмайди?**
**Дарсларни ўзлаштиришга
вақт ажратя оласизми?**

— Қийинчилик ҳар доим ва
ҳар жойда учрайди. Мақсад
сарни интилан инсон, албат-
та, барчасини енгиб ўтади.
Доимо ўқиш билан ишни
бир хил олиб боришга ҳара-
кат қиламан. Вақтни режа-
лаштириб олиш кўп нарсга-
га имконият яратади. Қола-
верса, факультетда олган
билимимни радиодаги фао-

лиятимда амалий жиҳатдан
мустаҳкамлаб бораман. Бу
ўз касбимни янада ривож-
лантиришга ёрдам беради.
— **Журналистика қизи-
қарли, шу билан бирга
маъсулиятли касблардан
биридир. Бу соҳани тан-
лашга нима туртки
бўлган?**

— Адабиётга бўлган қизи-
қишим мени журналистика
оламига етаклади. Шунинг-
дек, бобом ишчи бўлсалар-
да шеър ҳам ёзиб турарди.
Бу ҳам менга катта таъсир
қилган десам, янглимаган
бўламан.

Халқаро журналистика
факультетига ўқишга кири-
шим ҳам жуда қийин бўлган.
Ҳар сафар шартнома асоси-
да қабул қилинадиган қатор-
га тушиб қолардим. Аммо
бундан ҳечам тушқунликка
тушмадим, қайтагина ўз ус-
тимда астойдил ишладим.
Натижада тўртинчи йил мақ-
садимга эришдим: давлат
гранти асосида ўқишга қабул
қилиндим. Шунда англаб ет-

Ёшлар — кела-
жакни белгиловчи
улкан куч. Уларнинг
ғунёқарали, инти-
лиши ва ўзи яшаб
турган жамиятга
билдирилган муно-
сабати исмиқбол-
ни белгилашда хал-
қилувчи омилдир.
**ЎзДЖТУ Халқаро
журналистика фа-
культетининг
4-босқич талабаси
Муслим Мирзажонов
ҳам интилувчан
ёшларган.**

димки, ҳаётда энг муҳими
мақсад сари дадил интилиш
экан.
— **Журналист сифатида
глобаллашув жараёнида
кучайиб бораётган бугун-
ги кунда оммавий ахбо-
рот воситалари ролини
қандай баҳолайсиз?**

— XXI асрни кимдир "Фан-
техника асри", бошқалар
"Ахборот асри" дейишади.
Бугунги кунда юз бераётган
воқеалар ва уларнинг асл мо-
ҳияти нуқтаи назаридан
юқоридаги таърифларни
тўғри дейиш мумкин. Чунки
фан-техниканинг шиддат би-
лан ривожланаётгани ва бу-
нинг натижасида ахборот ту-
шунчасининг глобал даража-
га кўтарилгани ҳам инсоният
учун янгилик эмас. Бу ҳолат

**Бу Ватан
меники...**
Бу Ватан меники...
Ҳар тош ғиёҳи.
Ҳатто меникидир...
Фарёди, оҳи.
Боғ-у тоғлари-ю...
Қир-у чўллари.
Қуёши, ойи...
Маҳзун туллари.
Меники саналур...
Қора қуллари.
Қомуси, герби...
Мағрур байроғи.
Меникидир... меники
Заррин тупроғи.
Бори-ю йўғи...
Урхо, сурони,
Менга қадрлидир
Ҳар тирик жони.

**Бахт дегани
шумасми?**
Кўпдан бери бир савол,
Юрак бағрим тирнаиди.
Бахт дегани не дея,
Тулар уйқу бермаиди.
Бу дунёга келиш ҳам,
Шодон кулиб юриш ҳам,
Қадрдонни кўриш ҳам,
Бахт дегани эмасми?
Ватанимда яшашинг,
Тириксан омон бошинг.
Ҳалол бўлса гар ошинг,
Бахт дегани шумасми?
Бовида ота-онанг бор,
Укаларинг, акаанг бор,
Эрка синглинг, опанг бор,
Бахт дегани шумасми?
Элёр МУРОД,
ёш ижодкор.

...Фарзандларимизга нафақат
ишонч билдириш, балки уларга
ўзини амалда намойён этиши учун
майдонни кенгайтириш керак.

ЮКНИ КАМАЙТИРИШ УСУЛИ


Ҳўш, Тохир Тожиматовнинг ташаббуси
нималардан иборат?

Авиажўнатмалар бозорининг тез ривож-
ланиши шароитида ишлаб чиқариш кучла-
рини ошириш, мавжуд техника ресурслари,
ишлаб чиқариш майдонлари ва ишчи
кучидан максимал даражада фойдаланиш
ҳар бир авиакорхона учун истиқболли йўна-
лишдир.

Тохиржоннинг фикрича, Тошкент аэро-
портида бугунги кунда юклар фақат гори-
зонтал шаклда жойлаштирилади. Аммо
дунё аэропортларида нафақат горизонтал
(полда), балки, вертикал ҳолда (стеллаж-
ларда) юк сақлаш тажрибаси ҳам мавжуд.
Ушбу тажриба миллий аэропортида тад-
биқ этилса, бу ердаги ҳар бир квадрат
метр майдондан 100 фоиз фойдаланиш
имконини беради.

Тохирнинг лойиҳасида аввал Тошкент
аэропортида қўллаб қўрилмаган янгилик-
лар тақлиф этилади. Булар:

- юк ва контейнерларни 7 даражага-
ча стеллажлардан ҳолда сақлаш;
 - стеллажларга хизмат кўрсатиш
учун банд погрузчиклардан фойда-
ланиш;
 - юкни тез саралаб берувчи пол роль-
гангли тизимлардан фойдаланиш.
- Булар терминининг юкни қайта ишлаш
қувватини 3 баравар ва ундан ҳам кўпроқ
даражада ошириб беришини ёш ихтирочи
кафолатлайди.
- Тохирнинг айтишича, лойиҳа 4080 квад-
рат метр майдонни эгаллайди. Сигими юк
ҳажмига боғлиқ равишда 350 тоннадан
ортиқ. Агар мазкур лойиҳа амалиётга тад-
биқ этилса, аэропортининг кундалик юкни
қайта ишлаш қуввати 30-40 тоннадан 150-
200 тоннагача ортади.
- Энг муҳими, қиймати 350 миллион сўм
атрофида баҳоланган лойиҳа 2,5-3 йилда
ўзини қоплай бошлайди.
- Ихтирочи ўз тақлифининг барча жиҳат-
ларини инобатга олган. Жумладан, у тер-
минал ўт ўчириш, ички ҳаво ҳароратини



Энгилуна 23 ёшни қаршилаган
Тохир Тожиматов "Келажак обо-
зи-2007" кўрик-маънавийна ре-
спублика босқичига волабдики
кўла кўришга. Унинг лойиҳаси
музтави "Тошкент халқаро аэро-
порти"гаги почта ва юк жўнат-
маларини ташқил этиш хизмати
самарадорлигини буз неча баро-
барга ошириш борасидаги тақ-
лиф лойиҳаси таллобга волаб
булишига асосий омил бўлди.

бир мейёрда сақлаш, захоб ерларни қури-
тиш учун қувурлар тизимларига эга бўла-
ди. Бундан ташқари лойиҳада ходимлар
учун ҳам қулай иш шароитлари яратилиши
назарда тутилган.

Инсон ўзига-ўзи бўйсунушини ва
ўз қарорларига итоат қилишини
ўрганмоғи керак. Цицерон

«ФЕРМЕРАГИМ — ФАХРИМ»

Ёшлик — бу шижоат, ваираф фасли. Шунинг учун ҳар
бир ёш буш Вақтининг беҳуда ўтказмасдан ҳам ўзи, ҳам
дабаат ва халқ учун нафти тевадиган бирон-бир касб
эваси бўлса фойдадан холи бўлмайдۇ. Қадимда бежиза
табиатнинг яратувчанлиги қўқлашда рўй беравддек,
инсоннинг бунёдкорлик кўчи айни ёшлик чоғида жўш
уради, деб айтамаган-га!

Ўзим фермерман. Мамла-
катимиз ифтихори бўлган
"оқ олтин", ғалла етишти-
риб, юртимиз тараққиётига
ҳисса қўшаётганимдан фахр-
ланаман. Бир томондан
олиб қараганда, даромаду
буромадни бўйинига олиб
ердан қандай қилиб юқори
ҳосил кўтариш билан шу-
ғулланиш менга ўшаган
ҳақиқий деҳон боласининг
иши-да! Ноломайман, бугун
иқтисодий имкониятларим
бундан 2 йил бурун фермер
ҳўжалиғи ташқил этилган
вақтдан анча яхши.


Маълумотларга қараган-
да, айни пайтда мамлакатим-
изда фаолият юритаётган
фермер ҳўжалиқларининг
22 мингдан ортиғини ёшлар
бошқариб келаятган экан.
Бу халқ ҳўжалиғининг бар-
ча жаҳалари қатори
ёшларнинг аграр соҳада
ҳам ўз иқтидорини кўрсат-
таётганини билдиради.

Биргина мен раҳбарлик
қилаётган фермер ҳўжали-

ги фаолиятини олайлик.
Ўтган 2007 йилда 10 гектар
ерга севилган ғалладан 28
тонна 400 килограмм ҳосил
кўтариб, режани 108 фоиз-
га урдалаган бўлсам, 12 гек-
тар ерга экилган пахтадан
эса 43 тонна 800 килограмм
пахтани давлатга сотиб, ре-
жани 114 фоизга бажардик.
Албатта, бу ютуққа фермер
ҳўжалиғи аъзолари билан
ҳамжиҳатликда ерга оби-
тида ишлов берганимиз,
қолаверса, туман ҳокимли-
ги ва соҳага алоқадор хиз-
мат кўрсатувчи ташқилот-
ларнинг бевосита ёрдами
туфайли эришдик. Олган
даромадимизни эса фермер
ҳўжалиғининг моддий-тех-
ника базасини яхшилашга
сарфладик ҳамда қишлоғи-
миздаги кам таъминланган
оилаларга моддий ёрдам
кўрсатдик.

Зафар РАҲАБОВ,
Пискент туманидаги
"Р.Каримбоева Шаҳруза"
фермер ҳўжалиғи раҳбари.

БАЛЛИ БОЛАЛАР



"Балли қизлар" танло-
ви ҳақида кўп эшитганимиз.
Бирок қиррайлик ёш бо-
лалар ҳам пазандачилик,
билагонлик ва топқирлик-
да қизлардан асло
қолишмасликларини
этилан мусобақада энг
Байтқўроғон фуқаролар йи-
ғинидаги "Малика" номли

31-мактабгача таълим му-
ассасасида "Ёшлар йили"
муносабати билан ўтка-
зилган "Балли йигитлар"
танлов мисолида ҳам
кўриш мумкин. 6 ёшли бо-
лалар ўртасида ташқил
этилан мусобақада энг
яхши суҳандон, энг яхши
пазанда, спортчи, энг эп-

чил, билагон шартлари
бўйича беллашувлар
бўлиб ўтди.
Мусобақада иштирок эт-
ган барча тарбияланувчи-
лар ва ғолибларга тадбир
ташқилотчилари томони-
дан қимматбаҳо совғалар
тақдим этилди.
Гўзал ПУЛАТОВА.

"Адолат" социал-демократик партияси Хоразм вилояти Кенгаши жамоаси вилоят
кенгашининг иккинчи қотиби Жамила Жуманиёвонани
Сапарғул СУЛТОНОВАнинг
вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ADOLAT
ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЁСЙ КЕНГАШИ
www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

**Бош муҳаррир
Холтўра ШАҲОАТОВ**
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган
Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86; котибиёт —
233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64
Маълумот: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тургунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамазоир ХЎҲАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Талъат МУРОДОВ

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди
• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят
рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.
Нашр индекси — 100
Навбатчи муҳаррир — Беҳбуд БОТИРОВ
Навбатчи — Фарҳод ЭСОНОВ
Саҳифаловчи — Латифжон ТУРСУНОВ